Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий таърифи

(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 58539 тани ташкил қилиб, шундан 57261 таси ёки 97,8 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми саноат 11675 та (19,9 фоизи), савдо 11216 та (19,2 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 4402 та (7,5 фоизи) ва қурилиш 3990 та (6,8 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	якунга нисбатан фоизда	бирлик	якунга нисбатан фоизда
Жами	**58539**	**100**	**57261**	**100**
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	551	0,9	540	0,9
саноат	11675	19,9	11502	20,0
қурилиш	3990	6,8	3868	6,8
савдо	11216	19,2	10929	19,1
ташиш ва сақлаш	2561	4,4	2534	4,4
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	4402	7,5	4278	7,5
ахборот ва алоқа	1931	3,3	1876	3,3
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	1213	2,1	1204	2,1
бошқа фаолият турлари	21000	35,9	20530	35,9

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 95,1 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 13,4 фоизи хусусий корхоналар, 5,9 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,4 фоизи акциядорлик жамиятлари, 75,4 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 апрель ҳолатига,
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида



2017 йил январь-мартда жами 3075 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари–2944 та). Уларнинг асосий қисми Чилонзор (Тошкент шаҳри бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 13,9 фоиз), Юнусобод (12,5 фоиз), Мирзо Улуғбек (12,5 фоиз), Шайхонтохур (10,3 фоиз), Олмазор (10,0 фоиз), Учтепа (9,6 фоиз) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 27,4 фоизи саноат, 18,0 фоизи савдо ва 9,1 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 948 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 132 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 13,9 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2017 йил январь-мартда иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида